



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2096-3
2025 - yil 23 - Iyul

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА
ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

**“Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни Ҳисобга олиш
Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа
ўзгартиришлар киритиш Ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 18 мартдаги 51-сон “Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни Ҳисобга олиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига (рўйхат рақами 2096, 2010 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси Қонун Ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 122-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Boshliq v.v.b
2025-yil 15-iyul
9-son



ESHQO‘ZIYEV XURSHIDJON
MUSAJONOVICH

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва
газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
бошлиғининг 2025 йил 15 июлдаги 9-сон буйруғига
ИЛОВА

**“Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг “Энергияни тежаш, ундан оқилона
фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ва “Ер
қаъри тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**”.

2. Қоидаларнинг 11-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон “Ёқилғи-энергетика
ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан
ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига (Ўзбекистон
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 320-модда)”
деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил
19 октябрдаги 690-сон “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини
ҳамда бино ва иншоотларни энергия истеъмолини энергия аудитидан ўтказиш
тартибларини белгилаш тўғрисида”ги қарорига” деган сўзлар билан
алмаштирилсин.